

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ

O‘rinboyeva Yulduz Pirnazarovna

Samarqand iqtisodiyot va servis instituti iqtisodiyot kafedrasida dotsenti

Xusan Jo‘raxolov

Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi

Аннотация: В статье рассматриваются актуальные вопросы перспективы повышения уровня жизни населения на основе развития сферы услуг

Annotating: Development of increasing level of living of population in the field of development of services.

Ключевые слова: услуга, сервис, сфера услуг, уровень жизни населения, качество жизни, потребности, потребление, издержки потребления, благосостояние, сбережения населения, заработная плата, доходы населения, свободное время.

Key words: service; service sphere: level being of population, quality of being, the high quality level of being, factors, prosperity, deposits of population, population incomes, minimum wage, faxes.

Жаҳон амалиётида мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси қатор муҳим омиллар уйғунлигида тавсифланувчи хизмат кўрсатиш соҳасининг кўлами, унинг муҳим макроиктисодий кўрсаткичлардаги улуши, аҳоли жон бошига хизматларнинг ҳажми орқали аниқланади. Хизмат кўрсатиш соҳаси муайян давлат иқтисодиётига катта ижобий таъсир кўрсатади ва тўғридан-тўғри аҳоли турмуш даражасининг ошишига хизмат қилади. Бинобарин, ривожланган мамлакатларда соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 74 фоизни¹, умумий бандликда 70-75 фоизни ва жами корхоналар таркибида 90-95 фоизни ташкил этади².

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ислоҳ қилишнинг, ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этишда ушбу соҳадан самарали фойдаланишнинг, соҳа тармоқлари ва уларнинг таркибидаги хўжалик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг, хизматлар соҳасини устун ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ҳозирги даврда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий-методологик, услубий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг миллий иқтисодиётдаги мавқеини мустаҳкамлаш; соҳа тармоқларини модернизациялаш ва замонавий техника ва технологияларни жорий этиш; хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишдаги ролини мунтазам равишда ошириб бориш, аҳоли истеъмоли таркибида хизматлар улушини кўпайтириш ва бошқалар.

Жаҳонда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш асосида аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга замин яратадиган замонавий илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш нуқтаи назаридан ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларининг тадқиқи бугунги кунда долзарблиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сон «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори

¹ <http://bukvi.ru>

² John W.R. Phillips Social Security Programs Throughout the World:Europe, 2016. P. 18 ISSA.

хамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Хизматлар тизимининг кенг қамровлиги, унда кечаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мураккаблиги, мамлакат равнақи ва аҳоли ҳаёт даражаси ҳамда сифати ва бошқа бир қатор муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларга соҳа таъсирининг бениҳоя кучлилиги, хизматлар бўйича фаолият турларининг кўплиги уларни илмий таснифлаш муаммосини кескинлаштиради. Хизматларни таснифлаш муаммоси “хизмат” тушунчасининг моҳиятини очиш, унга илмий жиҳатдан асосланган ва аксарият кўпчилик тан олган таъриф ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқ.

Хизматнинг моҳиятига доир мавжуд таърифларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу сўзларнинг луғатий маъносига тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Ўзбекча-русча луғатда “хизмат – хизмат қилиш, иш, хизматга (ишга)оид”, деб кўрсатилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса, хизмат; иш; лавозим; хизмат кўрсатиш; ёрдам. Бундан ташқари “Хизмат” ибораси бир неча мазмунда қўлланилиши эътироф этилган: 1. Бирор иш ёки меҳнат билан шуғулланиш; бирор ишни бажариш; иш, меҳнат. 2. Бировнинг ишини бажариш, яхшилик қилиш; яхшилик. 3. Бирор ташкилот ёки муассасада бажариладиган иш; вазифа; лавозим. 4. Иш, вазифа, функция. 5. Иш, топшириқ, вазифа. 6. Армия сафида бўлиш, ҳарбий мажбуриятни ўташ³. В.И.Дальнинг луғатида хизмат ушбу тушунча қуйидагича талқин этилган: Хизмат кўрсатиш, ёрдам, имтиёз, кўмак, кўнглини топмоқ, истагини бажо келтирмоқ. Бироқ, ушбу луғатларда келтирилган талқинларда “хизмат” тушунчасининг моҳияти тўлиқ ифодаланмаган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида хизмат инсоннинг иқтисодий фаолияти эканлиги эътироф этилган бўлишига қарамадан, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бошқа иқтисодий фаолият турларидан нималари билан тўлиқ фарқлиниши асослаб берилмаган.

“Хизмат” тушунчаси иқтисодий категория сифатида инсоннинг меҳнат фаолиятини, ҳаракатини изоҳлаши билан бир қаторда, унинг хусусиятларини, меҳнат фаолиятининг бошқа турларидан қандай фарқлари борлигини, унинг аҳамиятини ҳам ўзида ифодалаши лозим деб ҳисоблаймиз. Айрим иқтисодчи олимлар хизмат тушунчасига “фаолият”, “неъмат”, “маънавий объект”, “наф келтирмайдиган фойдали ҳаракат” нуқтаи назардан ҳам қарашган. Мисол учун, Ф.Котлер хизматлар хусусиятига нисбатан шундай фикр билдирган: хизматлар бир томон иккинчи томонга таклиф этиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки неъмат, бирон нарсага эгалик қилиш имконини бермайдиган фойдали ҳаракат⁴.

Ҳозирги даврда инновациялар миллий иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини қамраб олмақда, нодир ва қимматбаҳо ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашнинг, миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишнинг ҳал этувчи омилига айланмоқда. Миллий иқтисодиётнинг стратегик муҳим ва устун соҳасига айланган хизмат кўрсатиш соҳасида, унинг барча корхона ва уюшмаларида иновацияларни жорий этиш, унинг бениҳоя кенг имониятларидан унумли фойдаланиш зарурати ортиб борапти. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасини унинг алоҳида тармоқларини инновацион ривожлантириш мақсадида инвестицион сиёсатни ўзгартириш масаларига ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Инсон цивилизациясининг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатиш соҳасининг моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан устун суръатлар билан ривожланаётганлиги турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, табиий, қолаверса, маданий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро боғлиқда ривожланишининг синергетик самараси бўлиб, пировард натижада, у инсон ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришида ўз ифодасини топади. Ўз навбатида, ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлигини ошириш, қулай шарт-шароитларда ҳаёт кечириш, ўзининг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини қондиришга бўлган табиий интилиши, бунга эришиш борасидаги барча

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2008, 395-396 - бб

⁴ Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент. Экспресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ.; под ред. С.Г. Божук.- СПб.: Питер, 2005. - С.301.

ҳатти-ҳаракатлари, яратувчилик фаолияти жамият тараққиётининг асосий таянчи, иқтисодий тизимни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдаги ролини ошириш, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш, унинг даромадларини шакллантиришда фаол иштирок этиш, аҳолининг бўш вақтидан унумли фойдаланиш масалалари ҳам иқтисодиёт илми олдида турган муҳим вазифалар жумласига киради.

Аҳоли турмуш даражаси ва хизматлар ўртасидаги узвий боғлиқликни, унинг табиати ва таъсири йўналишларини, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролига таъсирини юқорида келтирилган расм орқали изоҳладик. ҳар бир йўналишнинг мазмунига ва таъсир қилиш механизмларининг моҳиятига батафсилроқ тўхталиб ўтиш муҳимдир. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва инсон иқтисодий фаолиятининг бош мақсади – аҳолининг узлуксиз тарзда ошиб бораётган эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Аҳоли эҳтиёжларини қондириш зарурати хизматлар соҳасига ҳам тўла дахлдор. Турли-туман хизматларга бўлган эҳтиёжлар – аҳоли умумий эҳтиёжларининг ажралмас таркибий қисми ва уларни имконият борича тўлароқ қондириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий функцияси ҳисобланади.

Энг муҳими хизматларга бўлган эҳтиёж моддий хизматларга бўлган эҳтиёжлардан ўз моҳияти ва инсоннинг инсон сифатидаги тараққиётдаги аҳамияти жиҳатидан кескин фарқланиб туради. Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини модернизациялаш ва янгидан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш асосида хизматлар сифатини ошириш, ушбу соҳани диверсификациялаш асосида хизматлар ассортиментини кенгайтириш, янги хизмат турларини ишлаб чиқариш, хизматлар ҳажмини жадал суръатлар билан кўпайтириш аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мухаммедов М. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари”- С.: Зарафшон 2017.-299 б.
2. Мухаммедов М.М., Ю.П.Урунбаева Аҳоли турмуш даражасини шакллантириш омиллари ва ошириш истиқболлари. Рисола. «Зарафшон», 2010.-131 б.
3. Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б.
4. Урунбаева Ю.П. Пути повышения уровня жизни населения //«Вестник Регионального развития» научный журнал. – Караганда: 2008. – № 2(16).- С. 97-100.
5. Pirnazarovna, U. Y. (2024). LABOR RESOURCES-INVALUABLE ASSETS. International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING, 4(2), 443-446.
6. Pirnazarovna, U. Y. (2024). THE THEORETICAL FRAMEWORK FOR MUSEUM TOURISM DEVELOPMENT. International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING, 4(2), 355-358.
7. Pirnazarovna, U. Y. (2024). THE IMPACT OF MUSEUM TOURISM ON ENHANCING QUALITY OF LIFE. International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING, 4(2), 359-363.
8. Pirnazarovna, U. Y. (2023). Service Provision and Standard of Living of the Population; Interdependence. Information Horizons: American Journal of Library and Information Science Innovation (2993-2777), 1(10), 25-27.
9. Pirnazarovna, U. Y., & Ismatjonovna, U. M. (2023). SOCIO-ECONOMIC IMPORTANCE OF THE SERVICE SECTOR. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(6), 1-6.
10. Pirnazarovna, U. Y. (2023). THE ROLE OF THE SERVICE SECTOR IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY. American Journal of Business Management, Economics and Banking, 12, 20-25.
11. Pirnazarovna, U. Y. (2023). Factors Affecting the Level of Population. Miasto Przyszłości, 34, 180-186.

12. Pirnazarovna, U. Y., & Bakhodirovich, E. D. (2022). THE STANDARD OF LIVING OF THE POPULATION AND THE SERVICE SECTOR. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(4), 705-709.
13. Pirnazarovna, U. Y. (2020). The role of tourism in shaping the quality and standard of living of the population. *Academy*, (2 (53)), 13-15.
14. Pirnazarovna, U. Y. (2019). The development of service sector is an important factor in creating new jobs and ensuring employment. *Academy*, (12 (51)), 32-38.
15. Pirnazarovna, U. Y., & O'G'Li, A. S. H. (2019). The role of tourism services on raising the living standards of the population. *Вопросы науки и образования*, (18 (65)), 27-30.
16. Urumbaeva, Y. P., & Raximberdiyev, T. (2023). COMPREHENSIVE ANALYSIS OF POPULATION INCOME LEVELS. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 2(11), 8-14.
17. Urinboeva, Y. P., Khasanovna, D. D., & Shodmonovna, S. C. (2021). THEORETICAL APPROACHES TO THE FORMATION OF LIVING STANDARDS AND SERVICES OF THE POPULATION. *International journal of trends in commerce and economics*, 11(1).
18. Urunbayeva, Y. P. (2019). THE ROLE OF THE SERVICE INDUSTRY IN THE FORMATION OF POSTINDUSTRIAL SOCIETY. In *Colloquium-journal* (No. 26-8, pp. 11-15). Голопристанський міськрайонний центр зайнятості= Голопристанский районный центр занятости.
19. Umirzakova, M. I., & Baratova, M. I. (2021). THE ESSENCE OF THE SERVICE SECTOR AND THE SOCIO-ECONOMIC SIGNIFICANCE OF RAPID DEVELOPMENT TODAY. *Экономика и социум*, (11-1 (90)), 591-597.
20. Урунбаева, Ю. П. (2023). АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ. FINLAND" MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS", 14(1).
21. Урунбаева, Ю. П., Ҳимматова, Б. Б., & Уралов, Ш. А. (2019). АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ. In *МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ* (pp. 472-475).
22. Урунбаева, Ю. П., Нуруллаева, Ш. И. К., Давлатова, Н. Б. К., Истамов, Ш. А. У., & Очилова, Ю. Т. К. (2019). Роль услуг в развитии инновационной экономики. *Достижения науки и образования*, (7 (48)), 15-17.
23. Урунбаева, Ю. (2016). Роль сферы услуг в социально-экономическом развитии страны. *Экономика и инновационные технологии*, (4), 38-46.
24. Урунбаева, Ю. П. (2013). *Хизмат курсатиш сохдси ва аҳоли турмуш даражаси: узаро боғлиқлиги ва ривожланиш истикболлари*. Монография. Тошкент: «ФАН», 156.
25. Урунбаева, Ю. П. (2020). НЕКОТОРЫЕ ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЕ. In *Российская экономика: взгляд в будущее* (pp. 180-185).
26. Урунбаева, Ю. (2016). Возможности увеличения свободного времени населения на основе развития сферы услуг. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 88-93.
27. Урунбаева, Ю. П. (2016). Перспективы повышения уровня жизни населения на основе развития малого и частного бизнеса. *Научный альманах*, (11-1), 321-326.
28. Урунбаева, Ю. П. (2016). Уровня жизни населения это социально-экономическая природа. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ФАКТЫ, ТЕНДЕНЦИИ, ПРОГНОЗЫ* (pp. 58-60).
29. Урунбаева, Ю. П. (2016). СФЕРЫ УСЛУГ И УРОВЕНЬ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ. In *НАУКА СЕГОДНЯ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ И ПРИКЛАДНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ* (pp. 97-99).
30. Уралов, Ш. А., & Урунбаева, Ю. П. (2020). Теоретико-методологические проблемы развития сферы услуг. In *ИССЛЕДОВАТЕЛЬ ГОДА 2020* (pp. 116-123).

31. Уралов, Ш. А., Нурматова, С. А., & Урунбаева, Ю. П. (2020). ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ как ГЛАВНЫЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ, ОСНОВАННОЙ НА РЫНОЧНЫХ ОТНОШЕНИЯХ. In СТУДЕНТ ГОДА 2020 (pp. 105-112).
32. Урунбаева, Ю. П. (2024). МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ–ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ ОМИЛИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 43(3), 57-60.
33. Урунбаева, Ю. П. (2024). ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ–АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛИ. Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi, 19(1), 166-171.
34. Урунбаева, Ю. П. (2024). ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ АҲАМИЯТИ. Ustozlar uchun, 56(1), 186-190.
35. Урунбаева, Ю. П. (2024). МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ–МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(2), 644-649.
36. Урунбаева, Ю. П. (2023). РОЛЬ МАЛОГО БИЗНЕСА В РАЗВИТИИ СТРАНЫ. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 1(9), 105-108.
37. ТЎРАЕВ, Ш., РЕЖАПОВ, Х., МАХМУДОВ, Ж., МАДИЕВА, З., ЭЛБАЕВА, М., КАМАЛОВА, М., ... & ЖУМАЕВА, М. Biznes-Эксперт.
38. Хуршид Қо'лдoш о'ғ, А. (2023). NIMA UCHUN TALABA КИТОВ О'QИМАУ ҚО'YДИ?. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 35(3), 93-96.
39. Хуршид, А. (2024). XXI ASRDA ЕКОЛОГИК МУАММОЛАР. World scientific research journal, 26(1), 45-50.